



ISHOHCN


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 22 март, шанба № 47 (1472)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Бу дилбар фаслда борлиқнинг уйғониши, жамики тирик жоннинг ҳаракатга кириши билан одамнинг юрагида ҳам янги-янги орзу ва интилишлар, шодлик ва қувонч, сеvgи ва ҳаётга муҳаббат ҳислари уйғонади.
Табиатнинг ўзи бамисоли она каби бағрини очиб, ўз фарзандлари бўлмиш инсонларга меҳр улашади, барчани эзгулик ва яхшиликка чорлайди.

НАВРҮЗ - УЙҒОНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИ



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРҮЗ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Бугун ўлкамизда кутлуг айём.

Баҳор нафаси, янгилиниш, уйғониш руҳи тобора кучайиб, юртимизга кириб келмоқда.

Бугун гўзал водий ва воҳаларимизда, шаҳар ва қишлоқларимизда ёшувари - барча юртдошларимиз доимо орзиқиб кутадиган Наврўзи оламга пешвоз чиқмоқда.

Бугун халқимиз ўзининг эркин ва озод ҳаётида Наврўз айёмини ўн иккинчи бор шоду хуррамлик билан байрам қилмоқда. Ушбу байрам тонгида мен мана шу муҳташам саройда жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда:

табаррук оталаримиз ва мунис оналаримизни, мухтарам опа-сингилларимиз, ака-укаларимизни, ҳаётга катта умид билан кириб келатган ёшларимизни, баҳордай очилиб бораётган сулув қизларимизни, ёруғ оламга ҳайрат кўзи билан боқиб турган жажжи набираларимизни - бутун Ўзбекистон халқини Наврўз шодиёнаси билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бизнинг бугунги қувончимизга шерик бўлаётган хурматли меҳмонларимиз - хорижий давлатларнинг элчиларини, халқаро ташкилотлар вакиллари, уларнинг рафиқалари ва оила аъзоларини, байрам томошаларини дунёга намойиш этаётган чет эл ахборот воситаларининг ходимларини халқимиз номидан кутлаб, «Наврўзимизга хуш келибсиз!» деб айтишига ихозат бергайсиз.

Қадри дўстлар!

Дунёда турли байрам ва айёмлар, тарихий саналар кўп. Уларнинг барчаси маъно-мазмун ва моҳиятига қараб ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, ер юзиде энг қадимий, шу билан бирга, энг навқирон айём бўлган Наврўз нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун Шарқ оламида катта шодиёна билан нишонланган гўзал байрамдир.

Бу ёруғ оламда чархи даврон айланар экан, табиатда тўрт фасл такрор ва такрор аламиш келаяди. Ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусияти, ўз фазилати бор. Аммо

уларнинг ичиде баҳор, Наврўз фаслининг шукуҳи, файзу таровати ўзгача.

Бу дилбар фаслда борлиқнинг уйғониши, жамики тирик жоннинг ҳаракатга кириши билан одамнинг юрагида ҳам янги-янги орзу ва интилишлар, шодлик ва қувонч, сеvgи ва ҳаётга муҳаббат ҳислари уйғонади.

Табиатнинг ўзи бамисоли она каби бағрини очиб, ўз фарзандлари бўлмиш инсонларга меҳр улашади, барчани эзгулик ва яхшиликка чорлайди.

Баҳорнинг келиши одам зотига Оллоҳ берган умрнинг кўп-кўп сирларини англаш, ўз бахтини ўз қўли билан қуриш, ҳаёт ва табиатнинг нафосати ва неъматларидан баҳра олиш учун дунёга келганини яна ва яна бир бор эслатади, бу ҳақиқатни беихтиёр ҳаёлимизга солади.

Шу маънода, ёрдамга муҳтож бўлганларга муруват кўрсатиш, ҳамдард бўлиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг пешонасини сийлаш каби олижаноб фазилатларнинг ҳаётимиздаги таъсирини янада кучайтириш, бугун қийинчилик ва етишмовчиликларни бошдан кечириётган ҳеч бир одамни эътиборсиз қолдирмаслик -барча-барчамиз, аввало, катта-кичик раҳбар ва мансубдорлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз айни мудо-дао бўлур эди.

Лунда қилиб айтганда, юртимизда ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ёлғиз бўлиб қолмаслиги, унинг оғирини енгила қилишда давлатимиз ва жамиятимиз бундан буён ҳам маддадор бўлиши шарт.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Юртимизда Наврўзи олам кириб келишини очик қалбимиз, пок орзу-умидлар билан кутлар эканмиз, биз бугунги потинч дунёда буюк мақсадаларимиз сари олиб борадиган йўлимизда кўп-кўп мураккаб муаммолар, синов ва қийинчиликлар дуч келиши мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Айниқса, бугун узоқ ва яқин атрофимизда содир бўлаётган хавфли воқеаларни сезгирик ва ҳушёрлик билан кузатишимиз, халқаро терроризм ва унинг ҳар қандай кўри-нишларига, оммавий қиргин кура-ларини ишлашига тайёр бўлган

қабих ниятларга қарши сергаклик билан муносабатда бўлишимиз зарур.

Жаҳондаги ҳозирги вазият барчамиздан огоҳ бўлишни, кечаги Афғонистон можаросини ечишда ким қандай сиёсат олиб боргани, кимларнинг, қандай буюк давлатларнинг ҳаракатлари ҳақиқатда юртимизнинг хавфсизлигини таъминлашга, жанубий сарҳадларимиз остонасидан ёвуз кучларни олиб ташлашга ҳал қилувчи ҳисса қўлгани ҳақида тўғри хулоса чиқаришни бугун ҳар биримиздан ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана шундай ҳолатларда ташқи ва ички сиёсатимизни тўғри ва оқилона олиб бориш нафақат бугунги манфаатларимизни, балки Ўзбекистонимизнинг эртанги кунини, узоқ эзгу мақсадларимизни кўзлаб йўл танлашимизни талаб қилади. Ва бу борада, аввало, ўзимизнинг куч ва салоҳиятимизга, қўшни давлат ва халқларнинг бирдамлигига, стратегик шерикларимиз билан бирга, уларнинг қудрати ва кўмагига суянган ҳолда келажакимизни кўрмоғимиз даркор.

Хурматли юртдошлар!

Буюк шоиримиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Наврўз фаслида дехқон ер ҳайдаб, уруғ сочади ва шу тарихқа эл-юрт учун ризқ-насиба йўлини очади.

Азиз дўстлар, биродарлар, келинг, бугун - янги мавсум арафасида эл-юртимизни боқадиган дехқонларимизга, барча меҳнатчиларимизга дилчимиздаги сазимий тилақларимизни ихзор этайлик: ҳамини бахт ва омадинини берсин, ҳосилингиз мўл бўлиб, хирмонингиз тўлсин, кўнглиларингиз тўқ бўлсин.

Ҳар бирингизнинг касб-корингизга, рўзгорингизга, умрингизга барака ато этсин.

Мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган янги йилимиз юртимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин. Хонадонларимиздан кут-барака ариласин.

Қарияларимизнинг умрлари узоқ, эзгу дуолари ижобат бўлсин.

Фарзандларимизнинг камолини, иқболини берсин.

Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

Кўклам офтобининг заррин нурларидан баҳра олиб, ям-яшил майсалар, ранг-баранг гул-чечаклар билан безанган она заминимизга эзгулик ва бунёдкорлик айёми - Наврўз кириб келди. Шу ёруғ кунларда баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, борлиқ янгилиниши мисолида теварак-атрофимизда Наврўз руҳи, айниқса, тугал намойён бўлмоқда.

Наврўзи оламнинг бекиёс файзу тароватиға монанд она Ўзбекистон гул ва кўркамлик тимсолидаги ўзгача кўрку фусунга бурканди, Ватанимиз жаннатмонанд гўшага айланди.

Наврўз - янги кун, демакдир. Наврўз - азал-азалдан аждоқларимиз йилбоши деб қадрлаб, асрлар давомида эъзоз билан нишонлаган, халқимизнинг онгу шуурига, руҳиятига, бутун ҳаётига бекиёс таъсир ўтказиб келатган ўзига хос, кутлуг ва хосиятли айём.

Ушбу энг қадимий ғоят ардоқли байрамимиз бизнинг дориломон замонда тобора янги руҳ ва янги маъна мазмун касб этиб бормоқда.

Бободоҳқон яхши ният билан ерга яна уруғ қадашга киришди. Кут-барака элчиси - Наврўз шукуҳидан барчанинг чеҳрасида яша-риш, янгилиниш, бу-

чаварлар ўз маҳоратини намойиш этишга шай.

Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини байрам аҳли қарсақлар билан кутиб олади.

Байрам тантаналаридан дарак берувчи чорлов мусиқаси янгради.

Суз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз халқини, меҳмонларни умрбоқий,

турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қиладди. Фасли баҳор гамзалари, кушлар чугур-чугури, сувлар жилдираши билан табиатнинг уйғониш палласини мадҳ этувчи жонбахш мусиқий оҳанглар уйғунлашиб кетади.

Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди...

Наврўз - бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, янги йил давомида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Утган йили мамлакатимизда 56 ишлаб чиқариш объекти ишга туширилган бўлса, улардан 15 таси йирик корхона ва иншоотлардир. Бир-биридан ҳашаматли коллежу лицейлар, турар жойлар, спорт иншоотлари, улкан кўприклар, равон йўллар қурилди, боғу роғлар, хиёбонлар барпо этилди.

Шундай бунёдкорлик салоҳияти дарёдек жўш урган халққа, албатта, байрам ярашади! Ватанимиз барча жабҳаларда эришаётган оламшумул зафарларни эса қанча

нинг гўзал ва бахтиёр онларини мадҳ этади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, соғлом авлод орзуси -аждоқларимиздан бизга ўтиб келатган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилиш, мўтабар орзудир.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур. Давлатимиз раҳбарининг ана шу гоёсини ҳаётга татбиқ этиш йўлида ўтган даврда соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа деб белгиланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча сайёҳаракатларимиз соғлом наслини, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, имон-этиқоди бутун, билими, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган.


Жисми жонимизни орзиқтириб таралаётган ҳаётбахш мумтоз наволар мўтабар зотлар - миннатдор аждоқларимизнинг миллат иқболи, авлодлар шижоати, ижоди ва бунёдкорлиги шарафига ёғдираётган олқишларига, байрам муборакбодига менгзайди гўё.

Ҳа, мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида улуг аждоқларимизнинг табаррук номларини тиклаш ва абадийлаштириш, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаш, уларнинг мустақиллик замонда обқости бўлиб қолган мангу масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантириш борасида бекиёс ишлар амалга ошириляптир.

Кутлуг заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун жаҳон аҳли катта эҳтиром билан тилга оладиган пири қомил мутафаккирларимиз меросидан халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, бобокалонларимизнинг асарларига сингдирилган юксак инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига кенг шароит яратилмоқда. Бу йил ҳам юртимизда бир қатор буюк аждоқларимиз таваллуд кунларини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриляётгани бу борадаги хайрли ва савобли ишлар изчил давом этаётганидан яққол далолатдир.

Наврўз - биз учун узаро меҳр-оқибат, кадр-қиммат, хайру саховат рамзидир. Ана шундай ёруғ кунлар кишини ўз яқинлари, маҳалла-қўй, қўни-қўшини, элу юрт билан баҳам-жихат, меҳр-оқибатли бўлиб яшашга даъват этиши билан ҳам беҳад қадридир.

Обод маҳалла йили муносабати билан бу янглиғ юксак фазилат-



нёдкорлик кайфияти барқ уради. Дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнайди, кўклам таомларининг иси димоқни қитиқлайди.


Шаҳар ва қишлоқларда, бепоён дашту дала-лар ва қир-адирлар бағрида, чаманзорга айланган боғ-роғлару гўзал хиёбонларда, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз -миллати, тили ва динидан қатъи назар, бирдек аҳил ва ҳамжихат бўлиб, Наврўзни баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонляптир.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда энг улуг ва энг азиз айёмлар, жумладан, Наврўз шодиёналарининг азим пойтахтимизнинг сулми масканларидаги улкан театрлаштирилган томошалар билан бошлангани хайрли анъанага айланган.

Наврўз шодиёналари муносабати билан Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуининг барча катта-кичик иншоотлари, сахни, боғ-боғчасиу йўл-йўлақлари байрамона безатилган. Мажмуанин улкан зали маданият ва санъат аҳли билан гавжум. Хофизлар, раққосалар, дорбозлар, полвонлар, цирк артистлари, хунарманду усталар,

тараннум этсак арзийди!..

Саҳнага миллатимиз давомчилари, келажакимиз эгалари -болакайлар кириб келади. Кичкин-тойлар ўзларининг шўх-хандон кўшиқ-рақсалари билан болалик олами-



(Давоми 2-бетде).

НАВРЎ - УЙҒОНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИ



(Боши 1-бетда).

ларни мукамал эгаллаш баробарида, кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож кишиларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатиш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мана шундай шукхули дамларда ҳар бир инсон табиатдан баҳра олишга интилади. Ўз навбатида, Наврўз кунларида юртни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга бел боғлаш каби барҳа-



ёт кадрятлар халқимиз томонидан асрлар оша эъзозлаб келинаётган. Биргина мисол. Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўклагини ишларни ташкил этиш ва Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўришга қаратилган Фармойишига мувофиқ 15 март куни юртимиз бўйлаб ўтказилган хайрия ҳашарида 10 миллиондан ортиқ ҳамюртимиз иштирок этди. Шу куни 321 минг гектардан

кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Минглаб туп манзарали, мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Ариқ, зовур ва бошқа сув йўллари тозаланди.

Байрам бадиий дастурларида халқимизнинг бундай эзгу анъаналари, ватандошларимизга хос ва мос гўзал фазилатлар, маҳаллардаги ободончилик ва тинчлик-тотувлик, миллий урф-одатлар ва кадрятлар юсак пардаларда тараннум этилди.

Улкан мониторда Истиклол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилган кенг кўламли яратувчи ишлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод манзаралари ёрқин лавҳаларда намоён бўлади. Бутун юртимизнинг мафтункор, гўзал табиати, лозору гулзорлари жамолидан кўзлар қувонади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган бадиий жамоалар бирин-кетин ўз санъат-

Айтиш жоизки, ана шу сахна кўринишлари тимсолида маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеалар - «Шарқ тароналари», «Бойсун баҳори» халқаро фестиваллари каби тадбирларни ташкил этишга қаратилаётган эътибор ўз ифодасини топган.

Миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари байрам тантаналарида янада кўтаринчилик бахш этади. Эстрада жанрида ижод қилаётган санъат усталари қатори

марказларининг байрам дастурларида янада тирак мазмун-моҳият касб этади. Зеро, Наврўз дўстлик ва ҳамжихатликнинг ҳам ўзига хос шодиёнаси...

Наврўз - юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги тимсоли. Шу маънода, ушбу айём дунёнинг ўнлаб давлатларидаги Ўзбекистон элчионалари, ваколатхоналарида ҳам кенг нишонланмоқда. Байрамга ташир буюрган юзлаб хорижлик меҳмонлар

Наврўз таомларидан баҳраманд бўлиб, халқимизга хос миллий урф-одатлар билан танишаётган.

Байрам томошаларидан кейин Президент Ислам Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлди.

Халқимизнинг энг ноёб кадрятлари, эзгу урф-одатлари каби топчиланган, қагафonga учраган Наврўзни ҳам бугун Мустақиллик куни каби ўн иккинчи бор нишонлаб турибмиз, - деди

Юртбошимиз. - Бу байрамнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, Наврўзда жамики тирик жон уйғонади, янги ҳаёт сари интилади. Ишонаманки, мустақилликдан муайян қийинчиликларга дуч келиши табиий. Аммо фарзандларимиз ҳозирданоқ ишда, амалда тажриба ортириб бормаса, кейин қачон, қаердан ўрганади? Шундай экан, янги авлод ҳаётда тезроқ ўз ўрнини эгаллаши, масъулиятни дадил ўз зиммасига олмоғи керак.

Тошкентдаги Наврўз шодиёналари сунъий

роқ кириб келмоғи лозим.

Албатта, масъулиятли жойларда фаолият кўрсатар экан, дастлабки даврда ёш мутахассисларнинг тажрибасизликдан муайян қийинчиликларга дуч келиши табиий. Аммо фарзандларимиз ҳозирданоқ ишда, амалда тажриба ортириб бормаса, кейин қачон, қаердан ўрганади? Шундай экан, янги авлод ҳаётда тезроқ ўз ўрнини эгаллаши, масъулиятни дадил ўз зиммасига олмоғи керак.

Тошкентдаги Наврўз шодиёналари сунъий



рида жуда теран маъно-мазмун мужассам эканини таъкидлади.

- Кўп ҳолларда бизга янги ҳаётга қайтиш, мустақил фикрлашга, масъулиятни зиммага олишга, янги ҳаёт учун фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишга ҳалақит бераётган нарса - бу, эски замон асоратларидир, - деди давлатимиз раҳбари.

- Ана шу эскилик саркиларига барҳам берадиган, янги дунёкарашга эга, фаол ва фидойи ёшлар ҳаётга тез-

йўлдош воситасида дунёнинг кўплаб мамлакатлари телеканаллари орқали намойиш этилди.

Пойтахтимизда бошланган байрам тантаналари юртимиз шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

Фулмон МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси.

Суратларда: тантанадан лавҳалар. Абдувоҳид ТўРАЕВ ва Муҳаммад АМИН. (ЎЗА) олган суратлар.

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Наврўз байрами арафасида нафақат Хоразм вилоятининг бугунги иқтисодий салоҳиятини оширадиган, балки яқин келажакда кўпгина ижтимоий дастурларнинг бажарилишига таъсир қиладиган воқеа рўй берди. Бу ерда хорижий ҳамкорлар билан яна бир қўшма корхона - Хазорасп туманидаги «Унико» масъулияти чекланган жамият фойдаланишга топширилди.

Корхона лойиҳа қувватига етиб ишлаш бошлагач, ҳар йили маҳаллий пахта толасидан ташқи бозорда рақобатбардош 3,5 минг тонна ип ишлаб чиқаради. 2001 йил апрелида «Хазорасп ип-йигирув фабрикаси» акционерлик жамияти Германиянинг «Текспроект» компаниясининг шўба корхонаси - «Унитехно Индустринанген ГмбХ» фирмаси билан қўшма корхона тузиш тўғрисида шартнома имзолади. «Текспроект» компанияси Хоразмда «Хива Карпет» қўшма корхонасини ташкил этишда шериклиги билан танилган. Лойиҳани амалга ошириш учун «Асака банк» томонидан қайтариш муддати 7 йил бўлган 4 миллион 737 минг евро миқдорига валюта кредити ажратилди.

Банк олдидаги мажбуриятларимизни уч йилда бажаришимизга ишонамиз, - дейди «Унико» МЧЖ қўшма корхонаси бош директори Худойберган Қурбанов. - Чунки ишлаб чиқариш синовлари даврдаёқ корхона умумий қиймати 2 миллион сўмлик 150 тонна юқори сифатли ип ишлаб чиқарди. Бундан ташқари махсулотимизни Германия, Бельгия ва Россияга етказиб бериш юзасидан буюртмалар олганмиз. Умуман, жорий йил охиригача қарийб 2 минг тонна махсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган, унинг камида 80 фоизи экспортга жўнатилади ва бундан 2 миллион АҚШ доллари миқдорда даромад олинади. Бу эса республика ва маҳаллий бюджетга анча маблағ таъминлади демаяқ.

Урта ва кичик бизнеснинг ривожига янги иш ўринлари яратиш, аҳолини озиқ-овқат, поллиз махсулотлари, халқ истеъмоли моллари билан таъминлашда катта рол ўйнамоқда. Айни кунларда қишлоқда 50 нафар тадбиркор фаолият кўришмоқда. Уларнинг кўмағида бугунгача 156 нафар ёшлар мўжам иш ўринларига эга бўлди.

Бол таъмини берадиган ширадор «Кўнғирот» навли узуллар сохибкор Нетьматжон Турғунов боғида етиштирилади. Тадбиркор 7 сотих тоқзордан 3 тоннадан ҳосил олиб, йилига мўмай даромад топишти. Кўли гул ҳўнарманд Баҳодир Эргашев, чевар Махбубахон Мат-

Ақбаржон Раҳматуллаев «Кайрағоч» маҳалласига келиб, машинадан тушаркан, дили яйраб кетди. Чунки хашар устидан чиққанди. Кўча тўла одамлар. Ҳазил мўтойиба, хиргойилар кулоққа чалинади. Кўплашиб сўриларга ток тарашмоқда, бошқалар сув йўлларини тозалашмоқда, бировлар гулзор барпо этишяпти.

Ҳозиргина тандирдан узилган кўк сомса, қўшни ҳовлида қозонда биқирлаб қайнаётган сумалак хиди раиснинг димоғини қитқилди. Маҳалла оқсақоли Убайдулла Хожиақбаров одамлар орасидан чиқиб келади. Хорма, бор бўл, қилишиб, кўчаларни айлана бошлади.

Маҳалла ўзидан тинчиган, янги келин тушган, серфайз саришта хонадонни эс-латарди. Дарвозалар олдилари супириб-сидирилган, сувлар сепилган, ариқлардан сувлар жилдираб оқиб турибди. Ора-ста йўл бўйларидан сафланган терак, тол кўчатларидан кўз қувнайди. Эрта индин улар барг ёзиб, насл еллариди шувуллаб борлиқни яшилликка буркайди.

Кўни кеча маҳалла худудиди 30 ўринли янги гузар ишга туширилди. 2,5 километр узунликда газ, сув тармоғи тортилди. Кўжган фуқаролар йиғини Асака туманининг йирик аҳоли мавзелиридан биридир. Таркибиди 2 та маҳалла бўлиб, жами 40 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Худудди 2 та ширкат ҳўжалиғи фаолият юритаётган бўлиб, 10 та мактаб, 8 та болалар боғчаси, 2 та шифохона эл хизматиди.

Урта ва кичик бизнеснинг ривожига янги иш ўринлари яратиш, аҳолини озиқ-овқат, поллиз махсулотлари, халқ истеъмоли моллари билан таъминлашда катта рол ўйнамоқда. Айни кунларда қишлоқда 50 нафар тадбиркор фаолият кўришмоқда. Уларнинг кўмағида бугунгача 156 нафар ёшлар мўжам иш ўринларига эга бўлди.

Бол таъмини берадиган ширадор «Кўнғирот» навли узуллар сохибкор Нетьматжон Турғунов боғида етиштирилади. Тадбиркор 7 сотих тоқзордан 3 тоннадан ҳосил олиб, йилига мўмай даромад топишти. Кўли гул ҳўнарманд Баҳодир Эргашев, чевар Махбубахон Мат-

ёқубовалар маҳалладаги ўнлаб ёшларни касб-ҳўнарга ўргатмоқдалар.

Уларнинг қўлидан чиққан сержило бешиқлар, кўркам дўппилар, қулай уй-рўзгор буюмлари санъат асарии сифати-

ёқубовалар маҳалладаги ўнлаб ёшларни касб-ҳўнарга ўргатмоқдалар.

Уларнинг қўлидан чиққан сержило бешиқлар, кўркам дўппилар, қулай уй-рўзгор буюмлари санъат асарии сифати-

қўлга киритган. Республика каратэ бокс мусобақаларининг ғолиблари Аҳроржон Мирзақаримов, Маъруфжон Тиллаевалар ҳам қишлоқ спорт мактабидан чиққан.

Спорт - соғломлаштириш ишларида тадбиркорларнинг хайрия ёрдами кўл келаяпти. Маҳаллий тадбиркор Алишер Розиқов 36-ўрта мактаб жамоасига баҳоси 260 минг сўм турадиган спорт жиҳозлари тўпламини совға қилди.

АСАКА БАҲОРИ

Умуман, Асака туманида Наврўз байрами муносабати билан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария ишлари олиб борилди. Бундан ташқари мажвуд 55 маҳалла, 18 та фуқаролар йиғини уртасида «Энг яхши маҳалла», «Энг яхши фуқаролар йиғини» кўрик танлови кетмоқда. Хар бир фуқаролар йиғини биносида ёшлар кўникма маркази, посбонлар хонаси, болалар оналар бўлими очил ҳаракати кетаяпти. Ёшларни ишга жойлаштириш, уларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, оналар ва болаларнинг тиббий муҳофазаси, маҳаллаларнинг осойишталиғи, оғоҳлик бўйича саволларга фуқаролар шу ердан жавоб топади.

Бугунги кунда кўча ва йўл бўйларига 6 минг туп арча, 24 минг туп терак кўчатлари ўтказилди. Гулзорлар ташкил қилишга киришилди. Болалар боғи мажмуаси байрам арафасида иш бошлади. 40 ўринли шошилиқ тиббий ёрдам маркази ишга тушди. «Ўзбекистон Мустақиллиғи» ширкат ҳўжалиғи ўра-мида, Янгиобод қишлоғида маданий маиший хизмат кўрсатувчи мажмуадан иборат маҳалла гузарлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 420 ўринли янги мактаб иш бошлади.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

КОНЧИЛАР СОВФАСИ

Наврўз байрами муносабати билан Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси Конимех ва Нурота туманларидаги мактаб ўқувчиларига беш миллион сўмлик спорт анжомлари совға қилди.

Уларга АҚШнинг «Нукем» фирмасида ишлаб чиқарилган етти юзта футбол, волейбол, баскетбол тўпи, шоҳмат-шашка, соат ками ўн икки хил спорт анжомлари синфи ташкил қилди.

Шунингдек, Шимоллий кон бошқармаси кўмағи билан Нуротадаги гимназия-мактабда иккита компьютер синфи ташкил этилди. Яқинда кончилар Томди ва Учқудуқ тумани болаларига ҳам спорт буюмлари тақдим этишди. Кончилар чўл худудиди еттидан ортиқ мактаблари таъмирлаш ва ўқувчиларни спорт формалари билан таъминлаш учун беш юз миллион сўмлик маблағ ажратишга қарор қилган.

БИРО ИШ БОШЛАДИ

Тошкентда Халқ университетидаги немис уюшмасининг халқаро алоқалар институти / IIZ/DVV/ Марказий Осиё минтақасидаги бюросининг расмий очилиш маросими бўлди.

Мазкур бюро Германия Федератив Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳукуматларо шартномалар асосида фаолият олиб боради.

IIZ/DVVнинг минтақадиги устувор йўналишлари ишсизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳларига кўмаклашиш, янги касб танлаш учун катта ёшдагиларга таълим бериш имкониятларини янада кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган.

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ТОМОШАЛАР

Фаргона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ гузарларида Наврўз байрами кенг нишонланмоқда.

Фаргона шаҳрининг Аҳмад ал-Фаргоний номидаги оромгоҳида бўлиб ўтган байрам тантаналарида халқимизнинг истиқлол тўғрисидаги тиклини, кадр топган қадимий анъана ва урф-одатлари, кадрятлари бир-биридан чиқарилишига намойиш этилди.

Санъат усталарининг «Озод Ватан» обод Ватан» театрлаштирилган томошаси, вилоят шаҳар ва туманлари бадиий жамоаларининг ўзига хос чиқишлари, санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури байрамга ўзгача шукху бахш этди.



ДУШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошибагарлик диққатига! «Ўзбекистон» телеканали душанба, 24 март кунини ўз кўрсатувларинини соат 15.00 дан бошлайди.

- 15.00 «Тахлилнома».
15.45 Мусиқий танаффус.
16.00, 17.25 ТВ анонс.
16.05 «Камилла». Телесериал.
16.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони. «Машаъ» - «Нефтчи».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 Янги авлод студияси намойиш этади...
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Давр»-news.
11.20 Жаҳон журғофияси.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

- 10.25 «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». Бадий фильм.
11.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 «Кўпчилик қаторида». 12.25 ТВ анонс.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик».
9.40 «Анпанман». Мультсериал.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.

- 18.10 «Хунарманд». Телелотерея.
18.30 Мумтоз наволар.
19.00 «Истеъмолчи».
19.10 «Камилла». Телесериал.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик».
9.40 «Анпанман». Мультсериал.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.

- 14.10 «Мурабий». Спорт дастури.
14.25 Жаҳон цирки. «Массимо».
15.25 «Яхшилар ёди».
15.50 «Камилла». Телесериал.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик».
9.40 «Анпанман». Мультсериал.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.

- 8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болалиқинг мовий осмони». 2. «Бешбармоқ».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик».
9.40 «Анпанман». Мультсериал.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.

- 21.40 «Кун мавзуси».
22.00 «Яшаш муҳити».
22.15 «Хит парад».
22.35 «Услуб».
22.50 «Тунги навбатчилик».
23.05 Кинематограф.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.

- 18.55 «Ким миллионер бўлишни истайди?».
20.00 «Сўнги қаҳрамон-3».
21.00 «Время».
21.25 «Нима? Қарда? Қачон?».
22.50 «Ахборот» (рус тилида).

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.



17.30 Болалар бўйлаб... 17.45 Музейлар бўйлаб... 18.00 Рақурс. 18.20 Ёшлар овози. 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал. 23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: «Нокаут». 23.35 Давр. 23.50-23.55 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

ЖУМА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

ЧАК НОРИСНИ ТАНИГАН

Машхур устознинг истеъдодли шогирди

Катта ўғлим каратэ машгулотларига қатнайдди. Унча-мунча мусобақаларда ғолиб ҳам бўлди. Энди иккинчи ўғлим ҳам акасига эргашиб машгулотларга борапти. Айтмоқчиманки, кейинги пайтда фарзандларимизнинг спортнинг у ёки бу турига қизиқиши ортиб борапти.

Тўғри айтасиз. Хали олтига ҳам қирмаган ўғилчам каратэга оборинг, деб холи-жонимга қўймапти. Уйда, телевизорда каратэчиларнинг чиқишларини кўриб, ўзича машаққат ҳам қилиб қўяди. Фақат қаерга, қайси мураббийга олиб боришни билмай турибман.

«Азамат-Карим» каратэ спорт клубига олиб боринг. Чунки бу спорт клуби тарбияланувчилари

якши натижаларга эришмоқдалар...

Тасодифий гувоҳига айланганимиз ушбу суҳбатни бежизга келтирмаймиз. Бинобарин, суҳбатдошлар таъкидлашганларидек, ке-

оналарнинг ўзлари фарзандларини спорт залларига бошлаб келишяпти.

Айтганча, юқоридаги суҳбатда тилга олинган «Азамат-Карим» каратэ спорт клуби ҳақида. Мазкур клуб-

Болалар спорти

инги йилларда ёшларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш сезиларли даражада ортди. Бугун кўплаб ўғил-қизларимиз у ёки бу спорт тури билан шуғулланишни ихтиёр этишмоқда. Демакки, келгусида жаҳон кураш майдонларида мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилувчи ўринбосарларимиз етишиб чиқмоқда, қолаверса, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлод вояга етмоқда. Яна бир қувонарли жиҳат шуки, ҳозирда ота-

ни нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам яқши билшади. Чунки клуб Ринат Кутуев, Санжар Носиров, Фазлиддин Сопиев, Рустам Тошназаров, Саидлазиз Бурхонов, Нина Назарова сингари жаҳон чемпионлари, жаҳон кубоги соҳибларини тарбиялаган. Айни пайтда бу ерда ўнлаб ўғил-қизлар Шарқ яққа кураши сирларини ўрганишмоқда.

Сардор Ширинбоев ана шундай умидли ёшлардан. У пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 4-ўрта мактабининг 5-синфида таълим олиш билан бирга қарий беш йилдан буюн машгулотларда қатнашиб келяпти. Аълочи ва фаол ўқувчи сифатида бир неча маротаба мақтов ёрлиқлари билан тақдирланган.

Кизиқишимни сезган отам спорт клубига, биринчи мураббийим Даврон Тошпўлатовга олиб борганди, - дейди ёш каратэчи. - Тўғриси, аввалига бироз қийналдим. Лекин мураббийларимнинг ўғитлари бу ахойиб спорт турига бўлган кизиқишимни янада орттирди, менга куч, ирода бахш этди. Ҳозирги пайтда Темур Мирзиқолиевдан каратэ сирларини ўрганилман.

Таниқли каратэчилардан кимларга ҳавас қиламан? - сўрайми Сардордан.

Нафақат мамлакатимизнинг, балки жаҳоннинг кучли каратэ устаси Хўжамкул Хўжамқуловга, - дейди Сардор устозининг машхур спортчи ва киноактёр Чак Норис билан тушган сура-

тини кўрсатиб. - Буни Хўжамкул аканинг ўзи менга яқши тилаклар билдириб совға қилганлар.

Айтганча, Сардор ҳам ёш бўлишига қарамадан бир неча мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган. Мисол учун, Тошкент шаҳар каратэ федерацияси соврини - «Йўлбарс кубоги»нинг кумитэ баҳсларида бронза медалига лойиқ топилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигига бағишлаб ўтказилган клублар ўртасидаги очиқ биринчиликда эса тенгқурлари ўртасида иккинчи бўлди. Утган йил-

нинг март ойида бўлиб ўтган «Азамат-Карим» спорт клуби кубоги беллашувларида ҳам кумуш медал соҳибига айланди. Айни кунларда у 12-14 апрел кунлари бўлиб ўтадиган Тошкент шаҳар очиқ биринчилигида муваффақиятли қатнашиш учун кизгин тайёргарлик кўрмоқда.

«Мақсадим, аввало, мамлакат биринчилигида, сўнгра халқаро мусобақаларда, жумладан, жаҳон чемпионатида ғолиб бўлиш. Ана шундангина устозларим, ота-онам ишончини оқлаган бўламан», дейди Сардор. Ёш каратэчининг қатъият тўла бу сўзларига, эзгу ниятлари ижобатига дилдилдан ишондик.

Шавкат АБДУЛЛАЕВ,
Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

АФСОНАЛАР АКС ЭТГАН АСАРЛАР

Истеъдод

Республика Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Наврўз» кўргазмаси намойиш этилмоқда.


Ҳар йили наврўз байрами арафасида мусаввирлар ўзларининг кўргазмасини намойиш этадилар, - деди Марказий кўргазмалар зали директорининг ўринбосари Лайло Жўраева. - Усталар ва турли мактабларга мансуб бўлган халқ амалий санъати асарлари кўргазманинг каттаги қисмини ташкил этади. Кўргазмада расмлар билан бир қаторда сопол, кашта, гилам, заргарлик буюмлари, ёғоч ўйма-

корлик каби асарлар ҳам намойиш этилмоқда. Шунингдек кўргазмага юз нафар расомнинг 500га яқин санъат асарлари қўйилган. Масалан, мусаввир Медат Кагаровнинг суюкли персонажларидан бири кушлардир. Расомнинг фикрича, ривоят ва афсоналар акс этган асарлар инсон руҳиятини кўтаради, уни гўзаллик дунёсига етаклайди.

Расомлар Собир Раҳмоновнинг «Алпомиш» Ориф Мўминовнинг «Енгилмас», «Бўри боласи», Фарҳод Сулаймоновнинг «Қипчоқлар» номли асарлари мозийдан сўзлайди. Улар яратган

асарларда афсоналар, ривоятлар, дostonлар қаҳрамонлари акс этган. Файрат Бойматовнинг «Шарқона бозор», «Ургутда тўй» номли асарларида миллий қадриятлар, урф-одатлар расомнинг ўзига хос ички туйғулари орқали талқин этилади.

Жамол Усмоновнинг асарларида сокинлик акс эттирилган. Расомнинг фикрича, табиат ҳар қандай фаслда гўзал, унинг ҳар бир ҳолати маълум ранглар уйғунлигида берилди. Мусаввир яратган асарларнинг барчаси ўзига хос баҳорий кайфият билан йўғрилган.



Биласизми?

БАХТ ВА ГЎЗАЛЛИК ИФОДАСИ

Мабодо йўлингиз Украина томонларга тушса, албатта, улар деразасидаги ажиб бир манзара диққатингизни тортади. Нигоҳингиз ҳар бир хонадон дераза тоқчаларидаги яшил дарахларнинг ўсимликка тушади. Бу ёшлик ва гўзаллик рамзи саналувчи миртдир.

Украинада ҳар бир оила миртга ҳаётларидаги энг бахтли кунларнинг йўлдоши сифатида қарайди. Агар оилада қиз бола туғилса, кичик бир гултувакка мирт ниҳолини ўтказишади. Аввалига қизнинг ота-онаси ёш ўсимликни худди фарзандларидек парвариш қилишади. Қизча бир оз улғайган ўсимликка унинг ўзи ғамхўрлик қила бошлайди. Бўйи етиб турмушга чиқаётган пайтда эса бу доимий яшил ўсимлик шохларидан ясалган гулчамбарни тақади. Тўй тантанасининг эъзозли меҳмони, албатта мирт бўлади.

Дарвоқе, қадимги греклар ҳам бу ўсимликни алоҳида меҳр билан парвариш этганлар. Уни гўзаллик ва донишмандлик рамзи сифатида билиб, аёл худо Афродита номи билан илоҳийлаштирганлар. Библия афсоналарида айтилишича эса, жаннатдан қувилган Одам Ато Боғи Эрамдан хотирот сифатида мирт шохчасини олган экан. Шунингдек, қадим замонларда сайёҳлар хушбўй ва яшил мирт шохчаларини бахт хилда омад келтирувчи тумор сифатида ўзлари билан олиб юрганлар.

Наргиза АҲМЕДОВА.

КРОССВОРД

ЭНИГА: 1.Одиллик билан иш кўрувчи инсон. 8.Маълум об-ҳаво шароитида юзага келади-ган мусоффо томчи. 11.Аёл исми. 12.Араб ҳарфлари асосидаги қадимий ҳисоб. 13.Ҳамалнинг белгиси. 14.Туганак илди-эл экин. 15.Япониядаги шад-кир шоири.

БЎЙЛАР: 3.Йиртқич денгиз ҳайвони. 4.Анджон вилоятида-ги шаҳар. 6.Харбий унвон. 7.Газлар ҳаракати ва уларнинг қаттиқ жисмлар ҳаракатига кўрсатувчи таъсирини ўрганади-

ган фан. 8.Хўл мевадан тайёр-ланган ичимлик. 9.Мақтуб. 10.Тажрибадан ортирилган ма-ҳорат. 13.Яман пойтахти. 18.Ил-мий-фантастик асарлар эзиб қолдирган инглиз адаби. 19.Шарқнинг мумтоз мутафак-кир шоири.

ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 2.Қадимги Эрон подшоиси. 5.Баъзи тур-ларни манзарали, баргидан дори олинадиган жануб ўсимлиги. 20.Юнон афсонасидаги фазо-кор. 21.Вагон бўлмади.

ЁЙЛАР БЎЙИЧА ЗАНЖИР ҲОЛИ-ДА: 23.Абулқосим Фирдавсий-нинг «Шоҳнома» достони қаҳра-мони. 24.Математик топширик. 25.Йирик йиртқич. 26.Сўнгги,



яқун. 27.Илм-фан соҳаларини мукаммал билган инсон. 28.Би-рор масаланинг ҳал бўлмади ораликда қолиши. 29.Инглиз физик олими. 30.Қадимда хук-мдорнинг хизматкори.


Ф.ОРИПОВ тузди.

Газетамизнинг 21-март сонидagi кроссворднинг жавоблари

Ёйлар бўйича ўнгла:
1.Муаззам. 2.Сайли. 3.Ла-тофат. 4.Кўжат. 5.Тароват. 6.Кучат. 7.Тинчлик. 8.Че-чак. 9.Коваток. 10.Баҳор. 11.Резавор. 12.Майна. 13.Арғумон. 14.Ажрик. 15.Қарқара. 16.Машшук. 17.Қайроқи. 18.Саъва. 19.Арғувон. 20.Оқшом. 21.Маҳорат. 22.Мадад. 23.Дўмбира. 24.Карам.

Ёйлар бўйича чапта:
2.Сумалак. 4.Камалак. 6.Капалак. 8.Чигирик. 10.Боботоғ. 12.Меринос. 14.Армуғон. 16.Манзара. 18.Сайроқи. 20.Оромгоҳ. 22.Малоҳат. 24.Кўпқари.

МУАММОМА
Очкич сўзлар:
1.Амал. 2.«Баёт». 3.Сўзи. 4.Гул. 5.Қайин. 6.Ҳазал.
Табрик сўзлари: Аза-лий айёмингиз кутлуг бўлсин!



ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириш - 20.10

Манзилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.